



22 май 2017 й.г. № 304

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини  
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари 1-иловага мувофиқ;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг - фалсафа доктори (Doctor of Philosophy), фан доктори (Doctor of Science) дипломлари, шунингдек доцент, катта илмий ходим ва профессор аттестатларининг давлат намуналари 3-7-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2017 йил 1 июлдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланадиган талабларга мувофиқ аттестация ишларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва изланувчиларга фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ва фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаларини беришни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ва олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси СП, 2012 йил, 12-сон, 90-модда) 8-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

## **Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари (кейинги ўринларда Давлат талаблари деб аталади) олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимига мажбурий талабларни, шунингдек умумий қабул қилинган халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (кейинги ўринларда PhD деб аталади) ва фан доктори (Doctor of Science (кейинги ўринларда DSc деб аталади) илмий даражалари изланувчиларининг диссертация иши мазмунига ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Давлат талаблари олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб аталади) ва илмий-тадқиқот муассасалари (кейинги ўринларда ИТМ деб аталади) учун мажбурийдир.

3. Ушбу Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**олий ўқув юртидан кейинги таълим** - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

**олий ўқув юртидан кейинги таълим институти** –ОТМ ёки ИТМда таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик шаклларидаги олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга ошириш тизими;

**таянч докторантура** –Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**докторантура** – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**мустақил изланувчилик** - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**докторант** - ОТМ ёки ИТМга таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**мустақил изланувчи** - ОТМ ёки ИТМга мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**изланувчи** - фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс.

### **2-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқитиш шакллари ва муддатларига қўйиладиган умумий талаблар**

4. Олий ўқув юртидан кейинги таълим қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

таянч докторантура;

докторантура;

мустақил изланувчилик.

5. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқиш уч йилгача давом этади.

6. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши учун ОТМ ва ИТМлар доимий фаолият кўрсатадиган мувофиқлаштирувчи-коллегиал органга (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техникавий кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқа шаклларда) (кейинги ўринларда Коллегиал орган деб аталади) эга бўлиши лозим.

7. Таянч докторантурага ва докторантурага қабул қилиш ОТМ ёки ИТМлари ташкил этадиган қабул комиссиялар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида амалга оширилади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорларни танлаб олиш кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, докторантурага эса - суҳбат натижаларига кўра амалга оширилади.

Мустақил изланувчилик институтига расмийлаштириш суҳбат натижаларига кўра амалга оширилади.

8. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш қонун ҳужжатларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

### **3-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига кирувчи талабгорларга қўйиладиган талаблар**

9. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторантурага кирувчи ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

магистр даражаси ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун), ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарларда, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш;

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликкаикки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

10. Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторантурага кирувчи ёки мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилувчи шахслар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

фан номзоди ёкифалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган илмий даражалар;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

11. Тиббиёт фанлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилишда ОТМ ёки ИТМнинг Коллегиал органи қарори билан талабгордан клиник ординатура (магистратурани) ёки илмий даражани олганидан сўнг илмий, илмий-педагогик ёки амалий иш стажига (икки йилдан тўрт йилгача бўлган муддатда) эга бўлиши талаб этилиши мумкин.

12. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилинадиган талабгорларнинг таянч мутахассислиги олий ўқув юртидан кейинги таълим институтидаги ихтисослик тегишли бўлган фан тармоғига мувофиқ бўлиши керак.

Мутахассисликлар мувофиқ бўлмаганда диссертацияларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш масалалари Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

#### **4-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларида ўқишга қўйиладиган талаблар**

13. Докторант ва мустақил изланувчилар Коллегиал орган қарори билан тасдиқланадиган индивидуал режага мувофиқ равишда таълим оладилар.

14. Индивидуал режа олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида ўқишнинг бутун даври учун тузилади.

15. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек диссертация тадқиқотларини олиб боришда уларга илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Коллегиал орган қарори билан:

фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчиларига илмий раҳбарлар тайинланади;

фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчиларига илмий консультантлар тайинланади(мазкур банднинг олтинчи банди бундан мустасно).

Илмий раҳбарлар этиб,фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори, шунингдек илмий унвонга эга бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторлари (PhD) тайинланиши мумкин.

Фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан докторлари илмий консультантлар бўлиши мумкин.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотларини, изланувчининг хоҳишига кўра, илмий консультантсиз ҳам олиб бориш мумкин.

16. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишда диссертация ҳимоясига қадар изланувчилар:

ихтисослик ҳамда чет тили бўйича малакавий имтиҳон топшириши;

диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокама қилинишини таъминлаши;

ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган диссертациясининг асосий натижаларини акс эттирадиган камида учта (шу жумладан биттаси хорижда) илмий мақолага эга бўлиши шарт.

17. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилишгача изланувчилар:

диссертация натижаларининг халқаро ва республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида кенг муҳокама қилинишини таъминлаши;

ОАК томонидан белгиланган илмий журналларда чоп этилган диссертациясининг асосий натижаларини акс эттирадиган камида ўн та (шу жумладан биттаси хорижда) илмий мақолага эга бўлиши шарт.

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар диссертация натижалари бўйича монография чоп этган бўлиши лозим.

#### **5-боб. Диссертацияга қўйиладиган талаблар**

18. Диссертацияни расмийлаштириш ва уни ҳимоя қилиш изланувчининг хоҳишига кўра ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларидан бири ёки ОАК билан келишилган ҳолда бошқа тилда амалга оширилади.

19. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация билимларнинг тегишли тармоғида муҳим аҳамиятга эгамасаланинг янги ечимидан иборат ёки долзарб илмий масаланинг ечимига қаратилган илмий асосланган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий тавсиялар ишлаб чиқилган тугалланган шаклдаги илмий иш бўлиши лозим.

20. Фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация тугалланган илмий иш бўлиши ва унда:

муҳим ижтимоий-иқтисодий, илмий ёки амалий муаммолар ечими келтирилган;

ёки тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантириш учун йирик ютуқ сифатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган;

ёки жорий этилиши фан ва техника, ижтимоий-сиёсий соҳа ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган назарий-методологик ва услубий асослар, илмий асосланган техник, иқтисодий ёки технологик ечимлар ишлаб чиқилган (такомиллаштирилган) бўлиши лозим.

21. Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари ОАК томонидан белгиланади.

**6-боб. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйиладиган умумиймалака талаблари**

22. Қуйидагилар олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини белгилайдиган асосий талаблар ҳисобланади:

а) фалсафа докторлари учун (PhD):

умумилмий ва аниқ тармоқ тадқиқотларининг методологиясини эгаллагани, муаммони малакали тарзда аниқлаши ва асослай олиши, илмий маълумотлар ва материалларни мақсадли тарзда излай олиши, таҳлил қилиши, тизимлаштириши ва умумлаштириш қобилиятига эга бўлиши;

тадқиқот натижаларига асосланиб муаммо мазмунини баён қила билишни, илмий хулосалар ва тавсияларни аниқ ва лўнда ифодалай олиши;

илмий натижаларни амалиётда жорий этиш этиш учун тақдим қила олиши;

б) фан докторлари учун (DSc):

ихтисослик бўйича чуқур фундаментал билимларга эга бўлиши;

фундаментал тадқиқотларни юқори савияда бажара олиши ва муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга илмий-амалий муаммоларни еча олиши;

илмий натижаларни амалиётга жорий этиши.

## Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида таҳсил олишни ташкил этиш ва ўқиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**олий ўқув юртидан кейинги таълим** - жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури;

**олий ўқув юртидан кейинги таълим институти** – ОТМ ёки ИТМда таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик шаклларидаги олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга ошириш тизими;

**таянч докторантура** – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**докторантура** – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**мустақил изланувчилик** - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

**докторант** - ОТМ ёки ИТМга таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**мустақил изланувчи** - ОТМ ёки ИТМга мустақил изланувчиликка белгиланган тартибда қабул қилинган шахс;

**изланувчи** - фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс.

3. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида таълим куйидаги шаклларда ташкил этилади:

таянч докторантура;

докторантура;

мустақил изланувчилик.

4. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институти етакчи ОТМ ва ИТМ ҳузурида фан ва техниканинг муҳим тармоқларида олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, шунингдек фан ва технологияларнинг устувор йўналишларида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш мақсадида очилади.

5. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки халқаро шартномаларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

6. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қабул қилинаётган магистр ёхуд клиник ординатурага (тиббиёт фанлари учун) ёки мутахассислик дастурлари бўйича олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда илмий даражага эга бўлганлар мутахассислиги олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисослиги тегишли бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши шарт. Фан соҳалари мос келмаганда ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳалари бўйича олиш режалаштирилганда талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб аталади) белгилаган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топшириши лозим.

Шу билан бирга, тиббиёт, фармацевтика, ветеринария ва юридик мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига фаннинг турдош соҳалари бўйича қабул қилинишга йўл қўйилмайди.

Бакалаврият таълими йўналиши ва магистратура мутахассислиги таълимнинг турли соҳаларига тегишли бўлганда, ОАК томонидан белгиланган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топшириш шarti билан, бакалаврият таълимининг йўналишига тегишли бўлган таълим соҳасига мувофиқ бўлган мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясининг белгиланган тартибда тайёрланишига ва ҳимоя қилинишига йўл қўйилади.

7. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек диссертация тадқиқотларни ўтказишда уларга илмий ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар Коллегиал орган қарори билан илмий раҳбарларга, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар эса - илмий маслаҳатчиларга бириктирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланадиган диссертация тадқиқотлари илмий маслаҳатчини тайинланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

8. Фан доктори бир вақтнинг ўзида учтадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкин.



Илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) бир вақтнинг ўзида фақат бир нафар таянч докторантга ва мустақил изланувчига илмий раҳбар этиб бириктирилиши мумкин.

Хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкин.

### **2-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларини очиш тартиби**

9. ОТМ ва ИТМ ўзлари тизимига кирадиган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга таянч докторантура ёки докторантурани очишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қуйидаги ҳужжатлар билан муурожаат қилади:

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини очиш бўйича муассасанинг мувофиқлаштирувчи-коллегиал органининг (кейинги ўринларда Коллегиал орган деб юритилади) (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техник кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва х.к.)тегишли қарори;

Низомнинг иловасига мувофиқтегишли мутахассисликлар бўйича тадқиқот олиб боровчи фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан докторлари тўғрисидаги кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган маълумот;

шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълим фаолиятини сифатли таъминлашда моддий-техник база мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

10. Тасарруфида ОТМ ва ИТМ бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар муурожаат тушган ва барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб бир ой муддатда таянч докторантура ёки докторантурани очиш ёки очишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Қабул қилинган қарор ўн кун муддатда тегишли ОТМ ва ИТМга юборилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини очиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ахборот учун ОАК ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига, шунингдек олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини аккредитация қилувчи давлат ваколатли органига ҳам юборилади.

Ўзларида олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари очилган ОТМ ёки ИТИлар ҳам мустақил изланувчилик тартибида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаши мумкин.

11. ОТМ ёки ИТМдаги олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларини аккредитациядан ўтказишқонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш масалаларида тасарруфида ОТМ ва ИТМларига эгавазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

### **3-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни таянч докторантура ва докторантура шаклида ташкил этиш**

13. Тасарруфида ОТМ ёки ИТМ бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларҳар йили 15 майгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига юқори малакали илмий илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжлар, амалдаги олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларининг самарадорлиги, таълим олаётган докторантлар ва мустақил изланувчилар контингенти, илмий раҳбарлар ва илмий консультантларнинг самарали ишлари,

шунингдек мазкур Низомда белгиланган, битта илмий раҳбар ва битта илмий консультантга бириктириладиган докторантлар сонидан келиб чиқиб, кейинги йилдан бошлаб таянч докторантурага, докторантурага Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига ўқитиш учун қабул квотаси (кейинги ўринларда қабул квотаси деб аталади) бўйича асосланган таклифлар билан мурожаат қиладилар.

14. Вазирликлар, идораларва ташкилотлар бўйича қабул квотаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади ва ҳар йили 1 июндан кечикмасдан тегишли равишда тасарруфида ОТМ ёки ИТМ бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга юборилади.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар идоравий мансуб ОТМ ва ИТМ бўйича аккредитациядан ўтган мутахассисликлар бўйича қабул квотасини тақсимлайди.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар тегишли ихтисослик бўйича тасдиқланган қабул квотаси тўғрисидаги маълумотни тасарруфида бўлган ОТМ ва ИТМга ҳар йили 15 июнгача етказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги тасдиқланган қабул квотаси асосида ҳар йили 15 июнгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кейинги йил учун бюджет буюртманомасини тақдим этади.

15. ОТМ ва ИТМлар ҳар йили 1 сентябрдан кечикмасданоммавий ахборот воситаларида қабул квоталарига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилиш муддатларини, талаб қилинадиган ҳужжатлар, топшириладиган имтиҳонлар рўйхатини ва қабул квотаси миқдорини кўрсатган ҳолда таянч докторантура ва докторантурада ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида эълон беради.

Ҳужжатлар ОТМ ва ИТМ қабул комиссияси томонидан 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда қабул қилинади.

16. Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

17. ОТМ ва ИТМларда ректор (директор) раислигида қабул комиссияси тузилади. Қабул комиссияси аъзолари ректор (директор) томонидан тегишли ихтисослик бўйича етакчи олимлар орасидан тайинланади.

Ихтисослик бўйича имтиҳонларни топширишда қабул комиссияси таркибида камида битта фан доктори ёки профессор бўлиши зарур, комиссиянинг қолган аъзолари фан номзодлари ёки фалсафа докторлари (PhD) бўлиши мумкин.

18. Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлик (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

19. Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

20. Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатлардаунга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйати, шунингдек уларнинг нусхалари.

21. Тиббиёт фанлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига қабул қилишда ОТМ ёки ИТМ нинг Коллегиал органи қарори билан талабгордан клиник ординатура (магистратурани) ёки илмий даражани олгандан сўнг илмий, илмий-педагогик ёки амалий иш стажига (икки йилдан тўрт йилгача бўлган муддатда) эга бўлиши талаб этилиши мумкин.

22. Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Кириш имтиҳонлари саволлари ОТМ ёки ИТМнинг қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

23. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1 - 25 ноябрь даврида ўтказилади.

24. Таянч докторантурага ва докторантурага кирувчи талабгорларнинг кириш имтиҳонлари, суҳбат натижалариданва ажратилган қабул квотасидан келиб чиқиб, қабул комиссияси ва (ёки)Коллегиал орган томонидан 30ноябргача бўлган муддатда қабул қилинганлардан танланади.

Бир неча талабгорларнинг таянч докторантурага ва докторантурага кириш имтиҳонлари ёки суҳбат натижалари бўйича улар томонидан тўплаган якуний баллари тенг бўлган тақдирда қуйидаги талабгорларга устунлик берилади:

а) таянч докторантурага:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари соҳиблари;

магистратурани аъло баҳолар билан тамомлаганлар;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;

б) докторантурага:

5 йилдан ортиқ илмий-педагогик стажга эга бўлганлар;

муаллифлик гувоҳномалари ва патентга эга бўлганлар;

монография (ижтимоий-гуманитар фанлар учун), талабгорнинг диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатига мувофиқ илмий журналларда, шу жумладан хорижий журналларда чоп этилган сони бўйича (бошқа талабгорларга нисбатан) кўп миқдорда илмий мақолага эга бўлганлар;

диссертация тадқиқоти ҳажмининг 50 фоиздан кўп қисмини бажарганлар.

25. Қабул комиссияси таянч докторантурада таълим олувчиларнинг кириш имтиҳонлари натижаларини мажлис протоколи билан расмийлаштиради ва беш кун муддатда Коллегиал органга тасдиқлаш учун киритади. Докторантурада таълим олувчи талабгорлар бўйича ўтказилган суҳбат натижалари ҳам Коллегиал орган қарори билан тасдиқланади

Шу билан бирга, Коллегиал орган қарорида таянч докторантура ва докторантурага қабул қилинганларнинг докторлик диссертацияси мавзулари тасдиқланади.

26. Таянч докторантура ва докторантурага ўқишга қабул қилиш ОТМ ректори ёки ИТМ директори буйруғи билан ҳар йили 5 декабргача амалга оширилади. Бунда таянч докторантура ва докторантурада таълим олиш кейинги йилнинг 1 январидан бошланади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда илмий раҳбарлар ва илмий консультантлар (консультант бўлган тақдирда) ҳам белгиланади.

27. Таянч докторантура ва (ёки) докторантурада ўқишга қабул қилинганлар, уларнинг тасдиқланган мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари (консультантлар тайинланган ҳолатларда) тўғрисидаги маълумот:

ОТМ ёки ИТМ томонидан - юкори вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳар йили 10 декабрғача;

вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан - ҳар йили жорий йилнинг 15 декабригача Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ва ОАКга тақдим этилади.

Тасдиқланган диссертация мавзулари. илмий раҳбар ва илмий консультантлар (консультант тайинланган ҳолатларда) тўғрисидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг маълумотлар базасига киритилади, шунингдек ОАКда рўйхатга олинади ва “ОАК Бюллетени” журналида чоп этилади.

28. Докторант илмий раҳбар ва консультант (консультант тайинланган ҳолатларда) билан биргаликда диссертация ишини тайёрлашнинг якка тартибдаги режасини (кейинги ўринларда якка тартибдаги режа деб аталади) ишлаб чиқади. Якка тартибдаги режа таянч докторантурага ёки докторантурага ўқишга қабул қилингандан кейин бир ойда Коллегиал орган қарори билан тасдиқланади.

29. Илмий раҳбар докторант учун ихтисослик бўйича назарий-методологик дастур ишлаб чиқади. Назарий-методологик дастур таянч докторантурага ўқишга қабул қилингандан бошлаб бир ой муддат ичида Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

Назарий-методологик дастур методологиянинг умумий концепцияси ва масалаларини, мазкур ихтисослик бўйича назарий асосларни ва илмий тадқиқот усуллариини ўз ичига олади. Назарий-методологик дастур таянч докторант томонидан ўқишнинг биринчи йили мобайнида илмий раҳбарнинг ёрдамида ўзлаштирилади.

30. Ўқишга қабул қилинган санадан бошлаб:

таянч докторантурада - таҳсил олувчи шахсларга стажёр-тадқиқотчи лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади;

докторантурада - таҳсил олувчи шахсларга фан номзоди илмий даражасига эга (илмий унвонга эга бўлмаган) катта илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан таянч докторантура ва докторантурага ўқишга қабул қилиш бўйича тасдиқланган квоталарини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар параметрларида белгиланган тартибда ОТМ учун – “Таълим” соҳаси бўйича ва ИТМ учун – “Фан” соҳаси бўйича зарур маблағлар ажратишни назарда тутади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда “ОХТМ” деб юритилади) қабул қилинган таянч докторант ва докторантларнинг моддий таъминоти ҳарбий хизматчилар учун қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда таянч докторантура ва докторантурада ўқиш муддати узоқ вақт касал бўлиш, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш даврига, шунингдек ҳарбий йиғинларга чақирилиш муносабати билан узайтирилиши мумкин.

33. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига изланувчилар докторлик диссертацияларини Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ малакавий имтиҳонларни топширганларидан кейин ҳимоя қилишга қўйиладилар.

34. Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертациясини ўқиш муддати тамом бўлишидан камида 6 ой олдин ҳимоя қилганларга, шунингдек уларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига коллегиял орган қарори билан ОТМ ёки ИТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш бараваригача бўлган миқдорда мукофот тўланади.

35. ОТМда илмий раҳбарлар ва консультантлар томонидан докторант билан олиб борилган ишумумий ўқув юкмасига киритилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар бир докторант учун бир йилда 100 соат ҳажмида ҳар ойда тўланади.

ОЎТМда илмий раҳбарлар ва консультантларга иш ҳақи тўлови тасарруфида ОЎТМ мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

ИТМда илмий раҳбарлар ва консультантларнинг докторантлар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ҳар ойда ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар бир докторант учун бир йилда 100 соат ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан «Фан» соҳасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Илмий раҳбарлар ва консультантларнинг хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган докторантлар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ўқиш учун тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

36. Таянч докторантура ва докторантурада ўқиш муддати докторантларнинг умумий иш стажига қўшилади.

37. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни тугатганлар таянч докторантура ёки докторантурага қайта қабул қилинмайди.

#### **4-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни мустақил изланувчилик шаклида ташкил этиш**

38. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қўйидагилар расмийлаштирилади:

магистр ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;

белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар;

камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажига ёки муайян илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари)га эга бўлганлар.

39. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

40. ОТМ ва ИТМлари талабгорларнинг мустақил изланувчиликка ҳужжатларини ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган муддатларда қабул қилади.

41. Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан ОТМ ёки ИТМга мурожаат қилади:

қисқача биографик маълумотнома;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

иш жойидан тавсифнома;

42. Тиббиёт фанлари бўйича мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришда ОТМ ёки ИТМ нинг Коллегиал органи қарори билан талабгордан клиник ординатурани (магистратурани) тугатгандан сўнг ёки илмий даражани олганидан сўнг илмий, илмий-педагогик ёки амалий иш стажига (икки йилдан тўрт йилгача бўлган муддатда) эга бўлиши талаб этилиши мумкин.

43. Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш ҳар йили 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва ОТМ ва ИТМ қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар билан ўтказилган суҳбат натижалари Коллегиал орган қарорлари билан тасдиқланади. Шу билан бирга, Коллегиал орган қарорида мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари тасдиқланади ва илмий раҳбар ёки илмий консультант меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари белгиланади.

44. Талабгорлар ОТМ ёки ИТМ раҳбарининг ҳар йили 5 декабргача эълон қилинадиган буйруғи билан кейинги йилга мустақил изланувчиликка расмийлаштириладилар. Буйруқда шунингдек мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари (консультант бўлган тақдирда) белгиланади.

45. Расмийлаштирилган мустақил изланувчилар, уларнинг диссертация мавзулари тасдиқланганлиги, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари (консультант тайинланганда) тўғрисидаги маълумот:

ОТМ ва ИТМлари томонидан - юқори вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга ҳар йили 10 декабргача;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан - Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига жорий йилнинг 15 декабргача тақдим этилади.

Мустақил изланувчиларнинг тасдиқланган диссертация мавзулари ва илмий раҳбар ва илмий консультант (консультант тайинланганида) тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг маълумотлар базасига киритилади, шунингдек ОАКда рўйхатдан ўтказилади ва “ОАК Бюллетени” журналида чоп этилади.

46. Мустақил изланувчилар расмийлаштирилганларидан сўнг бир ой муддатда илмий раҳбар ёки консультант (консультант бўлган тақдирда) билан келишган ҳолда шахсий режаларини Коллегиал органда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этадилар.

47. Амалдаги барча талабларни бажарган ва диссертациясини ОАК талабларига мувофиқ равишда тайёрлаган мустақил изланувчилар диссертация химоясига кўйилади.

48. ОТМ ёки ИТМда илмий раҳбарлар ва консультантларнинг мустақил изланувчилар билан олиб борадиган иши учун ҳақ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ўқув машғулоти олиб борилгани учун ҳар бир изланувчи ҳисобига бир йилда 50 соат ҳисобидан ҳар ойда тўланади.

ОТМда илмий раҳбар ёки консультантмуассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобдан ойлик маошолаётган бўлса, мустақил изланувчилар билан ишлаш унинг умумий ўқув юклаганига ҳажмига киритилиши мумкин.

Илмий раҳбарлар ва консультантларнинг хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган мустақил изланувчилар билан меҳнатига ҳақ тўлаш ўқиш бўйича тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

49. Бир неча ОТМ ёки ИТМда бир вақтнинг ўзида мустақил изланувчиликка йўл қўйилмайди.

#### **5-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни тўлов-контракт асосида ташкил этиш**

50. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига қабул қилиш ва ўқитиш қонун ҳужжатлари ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

51. Тўлов-контракт асосида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширишда ўқитиш учун, жумладан илмий раҳбарлар ва консультантлар меҳнатига ҳақ тўлаш, тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга оладиган ҳақ миқдори, шунингдек уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор томонлар ўртасида тузиладиган шартнома билан белгиланади.

#### **6-боб. Изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги**

52. Тасарруфида ОТМ ва ИТМ эга вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги билан биргаликда ОТМ ва ИТМдаги изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги бўйича мониторинг олиб борадилар.

Мониторингни олиб бориш учун ишчи гуруҳ тузилади, унинг таркиби тасарруфида ОТМ ва ИТМ мавжуд бўлган тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тасдиқланади.

53. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун изланувчилар фаолияти самарадорлигининг мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ўқишнинг биринчи йилида:



диссертация мавзуси бўйича тасдиқланган шахсий режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

ихтисослик бўйича тасдиқланган назарий-методологик дастурнинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича камида битта илмий мақоланингчоп этилганлиги;

илмий конференцияда диссертация мавзуси бўйича маъруза билан иштирок этганлиги;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумотнинг мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ семинарида диссертация мавзусига доир таҳлилий умумлаштирувчи қисқача маълумот натижалари бўйича (илмий раҳбар билан биргаликда) маъруза қилганлиги;

б) ўқишнинг иккинчи йилида:

ОАК рўйхатида кўрсатилган тармоқ илмий журналларида диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида чоп этилган камида битта илмий мақоланингмавжудлиги;

диссертация мавзуси бўйича ҳисобот даврида илмий конференция материалларида камида битта чоп этилган маъруза тезисининг мавжудлиги;

ОАК рўйхатида кўрсатилган хорижий журналда диссертация мавзуси бўйича камида битта чоп этилган илмий мақола мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаси (кафедра, лаборатория, бўлим, сектор) илмий семинарида диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича (мустақил) маъруза билан иштирок этиш;

диссертация мавзуси бўйича шахсий режасининг бажарилиши бўйича ҳисобот бериш;

в) ўқишнинг учинчи йилида:

журналларда, шу жумладан хорижий журналларда сони ОАК талабларига мувофиқ чоп этилган илмий мақолалари мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши, авторефератининг мавжудлиги;

ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмалари мажлисларида диссертация ва авторефератининг кўриб чиқилганлиги ва муҳокама қилинганлиги.

54. Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун изланувчилар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

а) ўқишнинг биринчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича шахсий режанинг мавжудлиги ва унинг бажарилиши;

диссертациянинг биринчи ва иккинчи боблари тайёрлиги;

диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда камида учта илмий мақола чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича республика ва халқаро илмий конференциялар материалларида камида битта маъруза тезиси чоп этилганлиги;

диссертация мавзуси бўйича илмий конференция ёки семинарда маъруза қилиш;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ;

диссертация мавзуси бўйича таҳлилий шарҳ натижалари бўйича семинарда сўзга чиқиш;

б) ўқишнинг иккинчи йилида:

диссертациянинг учинчи ва тўртинчи боблари тайёрлиги;

ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда диссертация мавзуси бўйича камида тўртта илмий мақола эълон қилинганлиги (жумладан биттаси хорижда);

диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республика илмий конференциялар материалларида чоп этилган камида битта маъруза тезисининг мавжудлиги;

диссертация ишининг дастлабки натижалари бўйича семинар ўтказиш;

конференция ёки семинарда маъруза билан қатнашиш (камида бир марта);

диссертация мавзуси бўйича шахсий режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот;

в) ўқишнинг учинчи йилида:

диссертация мавзуси бўйича ОАК рўйхатида кўрсатилган журналларда камида учта илмий мақола эълон қилинганлиги;

диссертация натижалари бўйича (ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича) чоп этилган монографиянинг мавжудлиги;

ОАК талабларига мувофиқ тайёрланган тугалланган диссертация иши ва авторефератнинг мавжудлиги;

диссертация ёки авторефератни ОТМ ёки ИТМ илмий-ташкилий бўлинмаларида кўриб чиқилганлиги ва муҳокама этилганлиги.

55. Мониторинг натижалари Коллегиал орган томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шахсий режаларини бажармаган изланувчиларга нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинади.


Шахсий режаларини бажармаган докторантлар Коллегиал орган қарори билан таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилади ва ўқишга қайта тикланмайди.

Докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкин. ОТМ ёки ИТМнинг ички тартиби ва қоидаларини бузганлиги учун ўқишдан четлатилган шахслар ўқишга тикланмайди.

Шахсий иш режаларини бажармаган мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига нисбатан Коллегиал орган қарори билан раҳбарлик ва маслаҳат учун тўланадиган ҳақ тўхтатилади.

56. Мунтазам равишда (қаторасига икки марта ва ундан кўп) изланувчиларнинг диссертацияларини ўз вақтида ҳимоя қилишни таъминламаган илмий раҳбарлар ва консултантлар Коллегиал орган қарори билан уч йилгача бўлган даврга илмий раҳбарлик ёки консултантликдан четлатилиши мумкин.

57. Коллегиал орган тавсияси бўйича изланувчиларнинг шахсий режаларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Илмий раҳбарлар ва илмий консултантлар фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш Коллегиал орган томонидан амалга оширилади. 

#### **7-боб. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги ҳужжатлар**

58. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган олий ўқув юртидан кейинги таълим талабларини бажарган ва белгиланган тартибда диссертация ҳимоя қилган шахсларга ўрнатилган тартибда давлат намунасидаги тегишли фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) дипломи берилади.

Олий ўқув юртидан кейинги  
таълим тўғрисидаги Низомга илова

